Исмоил ТЎХТАМИШЕВ

## МУРУВВАТНИНГ РИШТАСИ



### БУЗИЛМАСИН ДЕГАЙМАН

*Ватанни ҳур кўрмоқлик насиб этди, шукрона,*
*Кўкрак кериб юрмоқлик насиб этди, шукрона,*
*Қатъий сўзда турмоқлик насиб этди, шукрона,*
*Мурувватнинг риштаси узилмасин дегайман,*
*Адолат тарозуси бузилмасин дегайман.*

*Биз жаҳонни танидик, олам бизга бурди юз,*
*Қадримизни англадик, буюкликка тикдик юз,*
*Эъзозлидир дўсту ёр, муқаддасдир нону туз,*
*Мурувватнинг риштаси узилмасин дегайман,*
*Адолат тарозуси бузилмасин дегайман.*

*Боболарим дунёга ўз сўзини айтди, рост,*
*Бугун аждод шуҳрати элимизга қайтди, рост,*
*Уларга лойиқ бўлмоқ келди фурсат пайти рост.*
*Мурувватнинг риштаси узилмасин дегайман,*
*Адолат тарозуси бузилмасин дегайман.*

*Урилган кўп тошларга бу бошим омон бўлсин,*
*Оғир кунда қўллаган қардошим омон бўлсин,*
*Бахт-иқболга бошлаган юртбошим омон бўлсин,*
*Мурувватнинг риштаси узилмасин дегайман,*
*Адолат тарозуси бузилмасин дегайман.*

*Дўсту ёрнинг меҳридан баҳраманд, қониб яша,*
*Керак бўлса саховат, ҳузурдан тониб яша,*
*Эл юртни деб, Исмоил, ҳар лаҳза ёниб яша,*
*Мурувватнинг риштаси узилмасин дегайман,*
*Адолат тарозуси бузилмасин дегайман.*

* * *

*Юракларда дарё тўлқини,*
*Келдик мудом опичлаб уни.*
*Вақт етганда, дунё шу куни,*
*Мендан қолар, сендан-да қолар.*

*Гул ҳаётни келдик олқишлаб,*
*Умр ўтди баҳорлаб, қишлаб,*
*Вақтни ҳеч ким қололмас ушлаб,*
*Мендан қолар, сендан-да қолар.*

*Мафтун этди юксаклар бизни,*
*Қорлар кўмди босилган изни.*
*Тоғлар тортган нигоҳимизни,*
*Мендан қолар, сендан-да қолар.*

*Юз очади орзулар қат-қат,*
*Қаҳат бўлди меҳр, оқибат,*
*Дил ўртаган ўтли муҳаббат,*
*Мендан қолар, сендан-да қолар.*

*Эзгуни, дил, дўст, ошно этгил,*
*Ҳар бир оннинг қадрига етгил.*
*Ташвишлардан олисроқ кетгил,*
*Мендан қолар, сендан-да қолар.*

* * *

*Сулувлар кўп қилган*
*жон талаб,*
*Лекин ишқни*
*етмадим англаб.*
*Садоларни дегайман*
*тинглаб,*
*Сенга ҳеч ким*
*ўхшамас, жоним.*

*Ширин-шакар*
*сўзларинг бошқа,*
*Ял-ял ёнган*
*юзларинг бошқа,*
*Забт айлаган*
*кўзларинг бошқа,*
*Сенга ҳеч ким ўхшамас, жоним.*

*Жаҳон гарчи беқиёс, кенгдир,*
*Лекин сенсиз дардчилдир, мунгдир.*
*Онларим ҳам йилларга тенгдир,*
*Сенга ҳеч ким ўхшамас, жоним.*

*Кўрдим дунё ёз, қишларини,*
*Сир-асрорли кўп ишларини.*
*Нетгум сенсиз беҳиштларини,*
*Сенга ҳеч ким ўхшамас, жоним.*

*Қўмсагайман ҳар лаҳза, ҳар дам,*
*Мафтундирман, бир умр қарам.*
*Нигоҳингда меҳр мужассам,*
*Сенга ҳеч ким ўхшамас жоним.*

### ТЎРТЛИКЛАР

*Дилбар, энди дардларимга кор айлагил,*
*Ғанимлардан юзинг буриб, хор айлагил.*
*Беайб дерлар фақатгина парвардигор,*
*Камим ошир, йўғимни сен бор айлагил.*

* * *

*Кўплар яшаб ўтгай ўз ғами билан,*
*Гоҳ бирдан зиёд, гоҳ бир ками билан.*
*Кўз юмсам, хўрсиниб аста такрорла:*
*— Кетди пинҳон орзу, алами билан.*

* * *

*Ўйларга толдирар ёрнинг нолиши,*
*Ўзининг минг битта куйга солиши.*
*Қўрқаман, вужудим солар даҳшатга,*
*Кўнглимнинг ногаҳон бўшаб қолиши.*

* * *

*Қабул эт мунг, нидо, садоим билан,*
*Хаста дил, юрагим, адоим билан.*
*Бейб парвардигор, дегайлар фақат,*
*Севсанг сев кам-кўстим, хатоим билан.*

* * *

*Сен ҳамон мен учун мавҳумсан, сирсан,*
*Кўзларим илғамас юксаксан, қирсан.*
*Таърифга сўз топмай бойланди тилим,*
*Гўзаллик бобида мўъжизадирсан.*

Юсуф ЖУМАЕВ

## ОЙ АҲЛИ БЕДОРГА ЙЎЛДОШ

*Шоир вафот этди, қабрига бўзлаб,*
*Имонли инсонлар — комиллар келди.*
*Йиллар ўтсалар ҳам пойини излаб,*
*Фаҳму фаросатга ноиллар келди.*

*Шоир ер остида тупроқдай беун,*
*Гарчи шеърга ошно султонлар келди.*
*Баъзан йиғлаб-йиғлаб ошиқдай дилхун*
*Абрли-абрли осмонлар келди.*

*Шоир ўлганига минг йил бўлганди,*
*Кафтдай текисланиб йўл бўлди мозор.*
*Тупроққа айланган шоир уйғонди,*
*Босиб ўтганида хокин бир дилдор!*

*Кўринг: тупроқ эмас, энди оташдир,*
*Бир олам оловдир, бир осмон чақмоқ.*
*Гўзалнинг ортидан дод деб эргашди,*
*Мени жамолингдан қилма деб йироқ.*

*Шуаро хун бўлса, хундир ёр учун,*
*Висолдир — тожлари, ҳижрондир — дори.*
*Қабрдан чиқади шоирлар бир кун*
*Гўзаллар пойининг бўлиб ғубори!*

* * *

*Дейдиларки, бир замон*
*Қандайдир гуноҳ билан*
*Одам Ато жаннатнинг*
*Боғларидан қувилган!*

*Йўқ! Заминга бобомиз*
*Келаркан хўб йўл тутган:*
*Момо Ҳаво жаннатнинг*
*Боғини олиб кетган.*

*Ёруғ оламда илк бор*
*Ёқаркан ҳақ чироғин,*
*Олиб келган бетимсол*
*Жаннатдан — жаннат боғин.*

*Жаннат ғунчаси, гули*
*Аёлдаги лаб, рухсор.*
*Ҳар тола сочида минг*
*Жаннат фариштаси бор.*

*Зулфин ҳар толасида*
*Жаннат ҳурлари ниҳон,*
*Қоши — жаннат ҳилоли,*
*Қошида ой не, хазон.*

*Қадди билан беҳиштнинг*
*Келган бор шажарлари,*
*Жамолида қуёши,*
*Саҳари, кавсарлари!*

*Момо Ҳаводан кейин*
*Кўнглимда шундоқ гумон,*
*Қолдимикан жаннатда*
*Жаннатдан бирон нишон?*

*Тангри Одам Атога*
*Беканор карам этган:*
*Аёл билан жаннатдан*
*Жаннатни олиб кетган!*

### ЧИРИЛДОҚҚА

*Тонгларни оттирган сен эмассан-ку,*
*Мунча чириллайсан, эй сен чирилдоқ?*
*Асалдан тотжирган сен эмассан-ку,*
*Мунча чириллайсан, эй сен чирилдоқ?*

*Чўлпондай дунёга ёғду сочдингми,*
*Вулқондай булоқнинг кўзин очдингми,*
*Чақмоқдай осмонга сиғмай тошдингми,*
*Мунча чириллайсан, эй сен чирилдоқ?*

*Ой аҳли бедорга йўлдош жимгина,*
*Юлдузлар тўкади кўзёш жимгина,*
*Оламни ёритар қуёш жимгина,*
*Мунча чириллайсан, эй сен чирилдоқ?*

* * *

*Бу гуллар бу кун гул, эртага хазон.*
*Бу диллар бу кун дил, эртага армон.*

*Ёшлик йўлларида қолсин изларинг,*
*Бу йўллар бу кун йўл, эртага осмон.*

*Кўзим селларига боқма нописанд,*
*Бу селлар бу кун сел, эртага тўфон.*

*Елларни майин деб алданманг, боғлар,*
*Бу еллар бу кун ел, эртага бўрон.*

*Бағрингга бос, Юсуф, дунё гулларин,*
*Бу гуллар бу кун гул, эртага хазон.*



*Мўъжиза.* *С. Мусаев этюди.*

## «ЗАМОНДОШ»НИНГ ОВОЗИ

Душанбада «Халқ овози» рўзномасига илова тарзида «Замондош» газетаси нашр этила бошланди. Саккиз саҳифалик, ойда бир марта чоп қилинадиган ушбу адабий-бадиий, ижтимоий газетада халқлар ўртасидаги азалий қардошлик, тинч ва фаровон ҳаёт, ижодий жараён ва бошқа жабҳаларга оид материаллар ёритилади. Унга Жалолиддин Румийнинг:

**Адоват етар, бас, дилдорлик керак,**
**Харобат етар, бас, меъморлик керак,**

мисралари эпиграф қилиб олинган. Бу бежиз эмас, негаки ушбу мисраларда Тожикистондаги бугунги воқелик муфассалроқ намоён бўлган.

«Замондош»нинг илк саҳифаси қутловномалардан ташкил топган. Тожикистон Республикаси Маданият вазири Бобохон Маҳмадов ҳамда Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи раиси Асқар Ҳаким янги нашрнинг фаолиятини бошлагани билан қутлайдилар. Ўзбек тилида нашр этила бошлаган ушбу газета муштарийларига бундай тилак билдиради: «Тожикистонлик ўзбек ёзувчи, шоир ва журналистлар учун аталган бу газета республикамизнинг турли бурчакларига етиб боришига аминмиз. Шу боис кимнинг кўнглида айтадиган гаплари бўлса, ижод қилиш ниятида бўлса, албатта, бизнинг газетамизни қўлга олиши шарт, деб ўйлаймиз».

Газета саҳифаларида Ҳожи Саййид Неъматуллоҳ Иброҳим билан газета мухбири Абдуллоҳ Зуҳурнинг «Мунаввар тонглар» суҳбати, Жамила Жамолнинг «Ойнинг ўн беши қоронғу...» ҳикояси, «Дилда дардинг бўлмаса...» рукни остида эса шоир Ашурбек Назаровнинг шеърлари, Эшмуҳаммд Донохоновнинг «Оёғи ердан узилган аёл» ҳикояси ва шоир Шодмон Жўраевнинг «Мусаффолик фасли» деб аталган шеърий гулдастаси ўрин олган.

«Замондош» газетаси Тожикистон ўзбек адабиёти ва маданиятининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз. Бу савобли ишга ўзбекистонлик адиблар, хусусан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳам яқиндан кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

**Оллоёр БЕГАЛИЕВ**

*Истиқлол ва адабий жараён*

Асад ДИЛМУРОД

# ДИЛ ЯХШИРОҚ ҲАМХОНА

*Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,*
*Ҳам сўз ила топиб ўлуг тан ҳаёт.*
***Алишер НАВОИЙ***

Истиқлолни мустаҳкамлаш, миллий мафкурамиз асосларини яратиш, давр кишисини ҳар томонлама камол топтиришда адабиёт ва санъат алоҳида аҳамиятга молик эканлиги бугунги кунда яққол сезилиб қолди.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлган Маънавият ва маърифат кенгаши ташаббускор гуруҳи йиғини шу масалага ҳам эътиборни қаратди. Йиғинда ҳозирги адабий жараён сустлиги, замонавий асарлар кам яратилаётгани, умуман, қалам аҳли сўзи қишлоқларга етиб бормаётгани, ёшлар дунёқарашини шакллантириш, улар кўнглига Ватанга меҳр, имон-эътиқод, садоқат ва поклик туйғуларини сингдириш назардан четда қолаётгани кескин танқид қилинди.

Турмуш икир-чикирларига кўмилиб қолган кўпгина қаламкашлар ҳаётлари мазмуни бўлган ижодни бир чеккага суриб қўйишгани, айримлари шунчаки эрмак учун қоғоз қоралаётгани ҳам сир эмас.

**Қаламига ишониб яшаётган, қаламини эътиқод рамзи билган адибларга эса осон тутмаслик керак. Ҳақиқий санъат асари туғилиши ва жамоатчилик эътиборини қозониши учун ижодкор ҳаётий мезонларни кўнглида синтез қилиб улгуриши, шунингдек, ўзлиги ва бадиият моҳиятини теран англамоғи билан чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, шўродан мерос қолган моддиюнчилик, фикрий саёзлик, мазмун-моҳиятни бир ёқлама баён қилиш, тарихни бузиб кўрсатиш, воқеа-ҳодисаларни бўяб-бежаш ва мафкурага бўйсундириш, мадҳиябозлик ва зиддиятлардан кўз юмиш йўриқлари бугунги адабий фаолиятга мутлақо ёт эканлиги ўз-ўзидан аёндир.**

Шўро яратган адабий робот русумига кўра, ҳар қандай сўз ўзлигидан кечиши, салтанат зулмини пардалаши, жабр ва қўрқув қиёфасига бахтиёрлик ниқобини тортиши лозим бўлди. Адабий-танқидий таназзул — сўз инқирози чуқурлашгани сари эзгу меросий каломлар бора-бора аввалги шираси, латофати, кўркамлиги, сеҳру жодуси ва бетакрор товланишини йўқота бориши эндиликда ойдинлашди.

Мозийнинг ардоқли-ориф шоири Убайдий, кўнгил нидоларини нозик ҳам теран англаб, завқ-ла дадил иншо қилмишки: «Эй, Убайдий, ғам билан ҳамхона бўлган яхшироқ». Бетакрор оҳори билан ҳамон ингичка ёлқинланиб турган ушбу сатр нақадар нафис, нақадар равон, нақадар маъноли: унда фикр ҳам, лаҳзалик руҳий ҳолат ҳам тугал ва моҳирона ифода этилган.

Лекин асосийси бу эмас, асосийси — кейинча, қўрқув салтанати ҳукмронлиги мобайнида биз томонимиздан хор қилинган **ғам** сўзи улуғланиб, эъзозланиб, бадиий образ даражасига кўтарилаётганида!

Тасаввуф таълимотига кўра, **ғам** сўзи сиртидаги — бирламчи маъноси эмас, ботинидаги — иккиламчи ёки учламчи... маънолари эътиборга молик. Чиндан ҳам бу сўзнинг поэтик хусусияти ва моҳияти бир неча қирралидир. Бинобарин, дарду алам, фироқ, қайғуга яқинлик — бу тушунчалар билан ошна, улфат, сирдош ва ҳамдард бўлиш яхшиликка, эзгуликка ва покликка ёвуқлашишдир. Дард чекишни билмаган, ғамдан йироқ киши тошбағирдир, ундай зот бошқалар дардига малҳам бўлолмайди, бегонани, ёрни, Оллоҳни севолмайди.

Бошқача айтсак, **ғам** сўзи ўзаги маънавий-маърифий комилликка етишиш майллари, эзгу инсоний фазилатлар билан туташдир. Яна ҳам аниқроғи, қайғуда — шодлик, шодликда — қайғу яшайди, ғусса севинч дояси ёки аксинчадир.

Бадиий сўз ғариблашиб, ўзини ўзи идора қилолмай қолгани боис миллий адабиётимиз устуни — ҳазрат Алишер Навоий пойдеворини қўйган романтизм ўз кўрки ва тароватидан айрилган эди. Замонида уммондек қайнаб-тошиб турган бу оқим эндиликда жилға қадар саёзлашиб қолганини тан олишга мажбурмиз. Дунёни хаёл-фантазиянинг чексиз қудрати ёрдамида ҳис қилиш ва тушуниш завқи, китоб мутолаасига вақт ҳам, имкон ҳам тополмаётган фуқаро эмас, адиб ва шоир учун ҳам камёб неъматга айланди.

Аччиқ сабоқлар кўрсатдики, кўнгил ва изтироблар тарғиботчиси — ҳақиқатгўй ва адолатпарвар адабиёт хиёнат билан тил топишган ёлғон ва омонат маслак билан келишолмайди. Эътиқод адабиёти аввало собит юракка, кейин эса, ростгўй, эҳтиросли, исёнкор ва аламнок каломга суяниб яшайди, айни пайтда, у, эҳтиёж сезса, дилдан чиқазиб бемалол чуқур хўрсинади, ўксинади, таъна-зарда тошларини отади; гоҳида ҳижрон саҳросида мажнунона сайр қилади, гоҳида ёлғизлик билан дийдорлашиб, тўйиб-тўйиб лайливаш йиғлаб олади — дарди-ҳасратини тўкади; гоҳо қаҳқаҳа отиб кулади — ҳажвий иқтидорини намойиш қилишдан ҳайиқмайди.

**Ҳаётда ҳамиша инкор ёнида инкор яшайди, шунга ўхшаш, шўро бино қилган машъум робот ёнида эътиқод адабиёти ҳам куртаклай борди. Шўро истило қилиб турган нажот қалъаси — юракни қайта забт этиш, унга ҳурлик, шижоат, саховат, матонат ва эҳтирос бағишлаш учун тарихий кураш бошланди. Азал бўстонининг сарғайган сарҳадларига аста-секин кўкламий нафаслар уфурди. Яловбардор устоз Абдулла Қодирий шўро тутқазган қалам билан «Обид кетмон»га қўл ургани, аммо, аввалги асарларидаги каби, унга кўнглини қўшолмагани боис чеккан армонли изтироб кўнгил сари юз бурган асарлар озиқаси бўлди.**

Бедор, ғазабнок, инқилобчи сўз шўро бўғзига қадалган ханжар эди, буни яхши билгани учун у танқид нигоҳи билан «Навоий»дек руҳият оламида баланд парвоз қилган полотно авра-астарини ағдарди. Сўнгроқ «Юлдузли тунлар» маломатга дучор қилинди.

Умуман, шўро танқиди халқ адабиёти табиати, ўзига хос хусусиятлари, миллий фикрлаш тарзимиз, эзгу сўз қадри, ниҳоят, кўнглимиз нолалари билан ҳисоблашишни ортиқча ҳисобларди. Шунинг учун ҳам маддоҳликни кўтар-кўтар қилди, аксинча, хушомад билан келишолмаган ошкораликни ерга уриш билан шуғулланди. Оқибатда, бундан ҳақиқат муттасил азоб чекди, ҳақиқат неча бор букилди, неча бор синди: кўпгина зийрак кўзли истеъдодлар сохта гуманизм соясида қолиб кетишди, бир қанча ҳамкасбларимиз дунёдан қадр ва иззат нималигини билмай ўтишди.

Кўп узоққа бормайлик, тарихимизга ҳурмат билан қараган, заргарона сўз устасига айланган Явдот Илёсов, Миркарим Осим каби адиблар ижоди кеча ё бугун ҳаққоний қийматини топгани ва етарли баҳосини олганига ишонолмайман.

Кейинги бир-икки йилда анъанавий йўлда яратилган насрий асарлар орасида «Жудолик диёри» романи мустабид тузумдан безган ўзбек халқи миллий урф-одатларига уйғун жаранглаши билан эътиборлидир.

Аввало «Жудолик диёри» романи, оҳорли, латиф сўзларга суянган ҳолда, кўнгил оламига дадил юриш қилгани билан хазинамиздан муносиб жой эгаллади. Асар, бош-охир, киндик қони томган маконигина эмас, ўзлиги, хотираси, тили, иззат-нафси топталган, ниҳоят, айрилиқ аламига дучор бўлган, ҳурликка интилган қалби тутқун қилинган ҳамюртларимиз билан дардлашув — баҳсдир. Ҳалигача шундай жозибали асар мунозара манбаига айланмагани, умуман, Мурод Мансур ижоди тегишли баҳосини олмагани хусусида танқидчилик ўйлаб кўрса бўларди.

Эътиқод ва кўнгил адабиётининг мустаҳкам заминида Шукур Холмирзаевдек забардаст адиб қалами бетакрор овози билан шаклланганини диққатга молик ҳодисадир. Ростдан ҳам Шукур ака ҳикоялари аллақачон жаҳонга танилиши ва бу хайрли юмушни танқидчилик ўз зиммасига олиши лозим эди. Ҳаққоний сўз — ғам чекувчи фидойи калом Шукур ака ҳикояларининг қони ва жонидир. Афсуски, улар тилининг бийронлиги, тасвир йўналишидаги эзгулик ва табиийлик сири ҳамон қулф-калитлигича турибди. Аввалги талқинлар ўз йўлига, энди санъаткор адибимизни бошқатдан кашф қилмоғимиз лозим.

Ҳозирги адабий жараён шиддати Омон Мухтор, Тоҳир Малик насрида ҳам равшан кўринади, Рауф Парфи, Маъруф Жалил, Чўлпон Эргаш, Икром Отамурод, раҳматли Шавкат Раҳмон, Тилак Жўра шеъриятида кўзга яққол ташланади. Улар қаламига мансуб асарларда сараланган сўз аввало руҳиятимизга дахлдорлиги билан қимматли бўлиб, кенг миқёсли назарий тадқиқотга лойиқ эканлиги бор ҳақиқатдир.

Йирик адабий ҳодисага айланган «Шайтанат» қиссаси аллақачон кенг омма оғзига тушди, лекин ҳанузга қадар танқидчилик назаридан четда қолаётгани ажабланарлидир. Менимча, жиноят изидан қувиш баҳонасида бемалол кўнгил ва руҳ иқлимига қадам қўйган «Шайтанат» шарқона-миллий детективнинг анча мукаммал намунасидир. Муаллиф жанр имкониятларини, улардан самарали фойдаланган ҳолда, руҳий-маънавий ва ахлоқий-ижтимоий муаммоларнинг бадиий талқинига сафарбар эта олган.

**Руҳимиз ва кўнглимизда илдиз отган манқуртлик асоратларини батамом йўқотиш учун бадиий ижод ва адабий танқид бир ёқадан бош чиқариб курашмоғига тўғри келади. Лекин узоқ вақт шўро ақидаларидан озиқланиб келган ҳар иккала жабҳа бир думалаб янгича қиёфага кириши қийин, бу ўта мураккаб ва масъулиятли жараёндир, зеро, бу йўлда бор куч-ғайратни ишга солиб, астойдил заҳмат чекишга мажбурмиз.**

Менимча, адабиётимиз, хусусан, адабий танқидимиз маҳдудлик ўзанига тушиб қолиши боболар сайқал берган ва суянган илми ғариба аталмиш сарчашма кўзи кўмиб ташлангани билан ҳам бевосита боғлиқдир. Таниқли адабиётшунос Абдуғафур Расулов «Илми ғарибани қўмсаб» рисоласида диққатимизни айнан шу борадаги йўқотишлар сабабли адабиётимиз миллий бадиий безакларини оврўпача тасвир-ифода йўсинига арзон-гаровга қурбон қилганига қаратади.

Илми ғариба санъатига бегоналик ҳали узоқ муддат бизга қимматга тушавериши аниқдир. Вақтли матбуотда босилаётган айрим мақолалар ва тақризларни ўқиганимизда буни яққол ҳис этамиз. Янгиланиб бораётган миллий танқидчилигимизда ҳозирча чуқур профессионализм ва самимият, атрофлича таҳлил ва ҳаққоният етишмай турганини ошкора айтсак фойдадан холи бўлмайди.

Бу кун учун янада фаол ҳаракат, соғлом фикрлаш тарзи, эътиқод билан тўйинган тажриба, кенг миқёсли ўткир нигоҳ сув ва ҳаводек зарурдир. Ҳар биримизни куюнчак сўзнинг ардоқли майдони интизор кутиб турибди. Ана шу майдонга бот-бот назар солаётган ҳамкасбимиз Мавлон Икром принципиал ва ростгўй муносабатгина ўзини оқлашини яхши англашига аминмиз. Фақат у Эркин Усмоннинг «Сулаймон овчининг кучуги» ҳикояси ҳақида мулоҳаза юритганда санъатгагина хос русумлардан чекинади. Ушбу ҳикоя ов баҳонасида ҳордиқ ёзмоқчи бўлган содда-тўпори йигитлар кўнгли-хаёлида кечган сархуш ҳолатлар ифодаси эканини унутиб, муаллиф олдига, бадиият талаблари эмас, нуқул овчилик қонун-қоидалари ва зоология фани далилларини қалаштириб ташлайди.

Адабий жараёнга аралашишни ёқтиришига қараганда Отаули бадиий ижод, умуман, бадиият, шакл ва мазмун, драматизм манбаи ҳисобланган сўз дардини, турли иборалар, поэтик-насрий воситалар моҳиятини тузуккина тушунадигандай кўринади. Кўпгина таниқли адиблар билан бемалол баҳсга киришади, хусусан, Омон Мухтор романлари интеллектуал қиёфасига қизиқиш билан қарайди, улар теран маъноли мажозларга бойлигидан қувонади.

Аммо образли тасвирни негадир Отаули ҳазм қилишда қийналаётгани сезилиб қолади, кузатув ва талқин жараёнида унда иккиланиш пайдо бўлади, у ўз хулосасидан ўзи шубҳага тушади, яъни Омон Мухтор романлари мозаика тоифасидаги нарсалар эканига бошқаларни зўр бериб ишонтиришга урина бошлайди.

Бундан ташқари Отаули «Жудолик диёри»даги Баҳриддин образига юзаки якун ахтаради, бунинг тақдири афсонага ўхшайди, дея каромат қилади. Тўсатдан йўқолиб қолган, яқин-орада хориждан дараги чиққан баҳриддинлар сон-саноқсиз эканини ўйлаб ўтирмайди. Кейин, «Жудолик диёри»ни «шаҳар» мавзусидаги романлар сирасига киритади. Ваҳоланки, у, юқорида айтганимдек, айрилиққа дучор қилинган кўнгил изтироблари кўзгусидир.

Маълумки, қадимият руҳи, мозий дунёси, кечмишга хос миллий оҳанг ва фикрлаш-тасвир йўсини, айниқса, тарихий мавзудаги асарда бўртиб туриши керак. Бу борада ҳам Отаули бемалол тортишади, фақат ўз хоҳишига қулоқ тутаётганига аҳамият бермайди. «Маҳмуд Торобий»ни текшира туриб, ушбу роман мўғул босқинчиларига қарши ҳаётмамот курашлари тўғрисида атрофлича тасаввур уйғотишини эътироф этади-да, сал кейинроқ яна ўзини ўзи инкор этиб, романдан унча кўнгли тўлмаганини қистириб ўтади.

Бадиий адабиётнинг энг ишончи қуроли имо-ишора эканини Отаули ихлос билан таъкидлайди, ҳатто «им»ни тушунмаган «дим»ни қаёқдан тушунсин, дея, ғофил кишиларга қарата учириқ ҳам қилади. Вақти келганда эса, ўзи «коса тагидаги нимкоса»дан, жонли сўз ботини, иборалар қатида пинҳон қочиримлардан рўйи-рост тонади. Услуб, драматизм, характерлар, мажозий-аллегорик образларни кузатиш ва чоғиштириш ўрнига «йилт этган ёруғ нур» топишга тушиб кетади.

Таъбирки, Отаули хоҳласа оппа-осон илғаши мумкин бўлган ойдинлик «Фано даштидаги қуш», «Мавҳумот» романларида эзгин тасвирга асосланган бадиият қатламлари, санчиқлар билан тўйинган изтироблар тўлқини қатлаbooридадир.

Сир эмаски, сўз оламида яшаш, сўз билан биргаликда дард чекиш ижодкор қисматидир. Кўп ҳолларда эса танқидчилик негадир ўз майли қобиғига ўраниб олади. Оқибатда бир неча йил сурункали давом этадиган азобли изланиш — игна билан қудуқ қазишдан ҳам оғирроқ ижодий меҳнат устидан бир зарб билан оппа-осон чизиқ тортиб юбориш ҳоллари рўй беради. Бу ўзига хос иллатдир, ундан тезроқ қутулишимиз, холисликни қурол қилишимиз лозим.

Бугун ўзлигимизга қайтмоқдамиз, демак, яқин-орада ўз сўзимиз ва ўз миллий фикрлаш-тасвир тарзимизга ҳам қайтамиз. **Тобора чекинаётган фалокатдан эзгуликни қадрловчи инграқлар ва тўлғоқлар лаззати узил-кесил қутқаради. Оддий ҳаётда ҳам, ҳаракатчан сўзни юпанч билган ижод уқубатлари қўйнида ҳам ҳар биримизга ғусса ва оғриқ нашидасидан илҳомланган дил энг ишончли ва энг содиқ ҳамхонадир.**

